

## I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАХСУЛОТ


Дастлабки мълумотларга кўра, 2018 йил январь-мартда ишлаб чиқарилган ялпи худудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 3 859,9 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 103,2 фоизга тенг бўлди.

2018 йил январь-март ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 157,0 фоизни ташкил қилди.

### Январь-март ойларида вилоят ялпи худудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби

	млрд. сўм		2017 йил январь-мартига нисбатан фоиз ҳисобида
	2017 йил	2018 йил	
<b>I. Ялпи худудий маҳсулот, жами</b>	<b>2 381,1</b>	<b>3 859,9</b>	<b>103,2</b>
<i>шу жумладан:</i>			
<b>Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>			
Маҳсулотларга соғ солиқлар	98,6	142,2	103,0
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>2 282,5</b>	<b>3 717,7</b>	<b>103,2</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	167,3	241,4	103,2
Саноат (курилишни қўшган ҳолда)	1 498,1	2 725,2	101,3
саноат	1 376,2	2 568,9	100,3
қурилиш	121,9	156,4	112,0
Хизматлар	617,1	751,1	108,1
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	174,8	212,1	100,8
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	110,8	130,2	113,0
бошқа хизматлари	331,5	408,8	110,3

## Январь-мартда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби(фоизда)



2018 йилнинг январь-март ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари (113,0%), бошқа соҳа хизматлари (110,3%), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги хизматлари (103,2%), тармоқларидағи ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 21,0 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2017 йил январь-мартга нисбатан 6,8 фоизли бандга камайди.

2018 йил январь-мартда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 20,2 фоиз (2017 йил январь-мартида 27,1 фоиз)ни ташкил қилди.